

«Nilol-nashr»да Мусхафи шарифнинг янги нашруни чоп этиш бошланди



16:47 / 27.12.2019 1928

Бугун 27 декабрь куни «Nilol-nashr» нашриёт-матбааси жамоаси ва юртимиз мусулмонлари учун яна бир хурсандчилик куни бўлди. Гап шундаки, бугун нашриётимизда Қуръони карим – Мусхафи шарифнинг янги нашруни чоп этиш ишлари бошланди.

Ушбу нашр Исмоил Муҳаммад Содик раҳбарлигидаги «Nilol-nashr» нашриёт-матбааси ва Мозин Абдулқодир Арнаут раҳбарлигидаги «Салсабил» нашриёти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида, ушбу нашриётнинг расмий рухсати ва аслий нусхаси асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди. Янги нашр муқаддимасида жумладан шундай дейилади:

Бу — Мадина мусхафининг нусхаси асосида, расми Усманийда, Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятига кўра, хаттот шайх Усмон Тоҳонинг хатида тайёрланди.

Қуръони Каримнинг ушбу нусхасини кўриқдан ўтказиш, завобитларини қўйиш ва тадқиқ этиш ишлари Сурия Араб Республикаси «Мусхаф битиш илмий ҳайъати»нинг собиқ раҳбари, шайх, ҳофиз Яҳё Муҳаммад Носиҳ бошчилигидаги мутахассислар тарафидан амалга оширилди.

Аллоҳ таолодан барчамизни Ўзининг аҳли ва хос бандалари бўлмиш аҳли Қуръонлардан қилишини сўраймиз.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ичида Аллоҳнинг аҳли бор», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, улар кимлар?» дейишди. У зот: «Улар аҳли Қуръонлар - Аллоҳнинг аҳллари ва хос бандаларидир», дедилар».

Аҳмад ва Ибн Можа ривояти.













Islom.uz портали тахририяти